

ЖОШЛИК СУЎБИ




1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

7 апрель, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 67 (1069)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИТДИНОВ олган сурат.

6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов Америка Қўшма Штатлари мулофаа вазири Уильям Перри раҳбарлигида делегацияни қабул қилди.

Ислам Каримов меҳмонларни мамлакатимизга ташрифи билан қутлади. Ўзбекистон АҚШ билан муносабатларини ривожлантиришга, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳаമият бераётганини таъкидлади.

АҚШ мулофаа вазири самимий қабул учун миннатдорлик билдирди экан, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшаётганига юксак баҳо беришини айтди.

Ўзаро сўхбат чоғида, шунингдек, Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг бориши, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида ҳарбий-техник ва мулофаа соҳаларида ҳам-

корлик, минтақалда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Ўзбекистоннинг НАТО «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Фуломов, республика Бош вазири Уринбосарлари У. Султонов, Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мулофаа вазири Р. Аҳмедов, аҳли вазири А. Мардиев ва

бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Учрашувда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фақуллода ва мухтор элчиси Генри Ли Клэрк ҳозир бўлди.

Президент Ислам Каримов ва АҚШ мулофаа вазири Уильям Перри ўзаро музокаралардан сўнг Ўзбекистонлик ва чет эллик журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. (УЗА).

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

5 март куни мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги қабуллар уйда дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари ва вакиллари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва журналистлар билан учрашув бўлди. У Президент Ислам Каримовнинг тожик муҳолифати билан яқинда бўлиб ўтган учрашувига бағишланди. Учрашувни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошқарди.

Тожикистон муҳолифати раҳбарлари билан учрашувда учта аниқ масала: тожик муҳолифати Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ муаммоларни қандай тасаввур этаётгани; можорони тинч йўл билан, бартараф этиш жараёнига Ўзбекистон қўшилиши мумкин бўлган ҳиссани муҳолифат қандай тасаввур қилиши; Тожикистон масаласини ҳал этишда жаҳон жамоатчилиги, БМТ, ЕХТ ва бошқа давлатлар қандай ўрин тутуши муҳокама қилинди, деб таъкидлади вазири.

Учрашувда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги бошлиғи Ташқи ишлар вазири Ислам Каримов бошқарди. Президент Ислам Каримов бошқарди ва вакиллари билан музокаралардан сўнг Ўзбекистонлик ва чет эллик журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. (УЗА).

Ўзбекистон Президентининг назарида Тожикистонда ҳозир вужудга келган вазиятда энг оқилона ҳисобланган тақлифларни ўртага қўйди. Ислам Каримовнинг фикрича, биринчидан, Тожикистон муаммосини ҳал этишда ҳарбий қудрат ва жағрафик усуллардан фойдаланишдан бундай воз кечиб керак, иккинчидан, барча минтақалар, барча сиёсий партиялар, шу жумладан Ислам ўғониш партияси, Тожикистоннинг барча ижтимоий ҳаракатларидан тенг вақиллик асосида, яъни минтақалар, партиялар ва жамоат ҳаракатларидан тенг миқдордаги вақиллардан иборат конгресс тузиш лозим; учинчидан, энг муҳими — БМТ ва ЕХТ вакиллари иштирокида ҳукумат ва муҳолифат вакиллари ўртасидаги музокараларда мазкур конгресснинг мақоми, унинг ҳуқуқлари ва вақилларнинг тўғрисидаги низоми келишиб олиш керак. Равақани, бу тақлифларни амалга ошириш учун Тожикистон Республикаси ҳукумати сиёсий партиялар ва ҳаракатларга нисбатан умумий авф эълон қилиши ҳамда муҳолифатнинг барча вақиллари ҳафсалигига тўла қаролат бериши керак.

Ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, Президент Ислам Каримов тинчликпарвар қудратларнинг ҳаракатларини ва кулролли жағрафик ҳаракатларини назорат қилиб туриш учун Тожикистонда БМТ ва ЕХТ вакиллари кўпайтириш лозим, деган фикрини айтди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Фуломов иштирок этди.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: МУСТАҚИЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва УЗА муҳбирлари хабар қиладилар

СОВГАГА — УЙ

Термиз тажриба филиалида селекция бўлими бошлиғи Евгений Гаврилов илгичка талаби пахтанинг янги «Термиз-40» ва «Термиз-42» наварини синов қилишга ҳавола қилди.

Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Е. Гаврилов 60 ёшга тулди. Селекционернинг туйиғига Тошкент, Бухоро, Қашқадарё ва бошқа вилоятлардан пахтакорлар, олимлар ташриф буюрди. Термиз шаҳар ҳокимлиғи олимнинг кутлуг туйи афрасида унга уч хонали уй инъом этди.

ОРЗУЛАР РУЁБГА ЧИҚАЯПТИ

Каттақўрғон шаҳрида хусусий ошхоналар тобора кўпайиб, намунали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Айниқса, таомлар хилма-хиллиги кишини ҳайратлантиради.

Суратда: Иzzат Фанев хусусий ошхонасида шогирди Зафар Ҳўжақуллов.

ВАКИЛЛИК ИДОРАСИ ОЧИЛДИ

Жиззах вилоятида Қозғистон Республикасининг Жамбул вилояти вакиллик идораси очилди.

У вилоят ҳўжалиқлари ва корхоналари билан шартнома асосида ўзаро маҳсулот айирбошлаш ишларини амалга оширди. Ҳозирча ҳўжалиқлардан асосан қанд лавлагини олиш режалаштирилган. Бундан ташқари, вакиллик бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ҳам ўзларида мавжуд бўлган автомобиль шиналари, аккумуляторлар, пилёз, гуруч каби маҳсулотларга айирбошлаш тадбирларини ҳам ишлаб чиқмоқда.

ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИШ КУП

Сирдарё туманида «Малик» хўжалигида ҳар куни юз бекори қабул қила оладиган поликлиника ишга тунди.

Энди аҳоли узоқдаги шифохоналарга бориш ташвишидан ҳалос бўлди. Хўжалиқда поликлиникадан ташқари 400 квадрат метр турар жой ҳам эгаларига топширилди. «Синдороб» жамоа ҳўжалигининг ушартиқасида 170 ўринли болалар болғачи қурилиши ниҳоятга етай деб қолди. Хуллас, ишламан деганга иш топилади.

МАҲАЛПАДА ҲАШАР

Тошкентнинг Қамза туманидаги ўн мингадан ортиқ киши истиқомат қиладиган «Мироз Иброҳим» маҳалласидаги бунёд бўлган ерда гузар қурилиши бошланди.

Туман ҳокимлиги қурилишга бир миллион икки юз минг сўм ажратди. Маҳалладорлардан ҳам имкон қадар йиғилди. Қурилиш ишларини «Прогресс» кичик корхонаси бажармоқда. Дам олиш кунлари бундан маҳалла аҳолиси ҳашарга чиқади. Тўй-ҳашам, тантанали йиғилишларга, байрамларни шу ерда ўтказиш мўлжалланаяпти.

ЖИҒАЧИ ПИЧОҚЛАРИ

Қорақўл туманидаги Жигаҳчи қишлоғида ота-боболари касбини давом эттираётган 5 та пичоқчи, 3 та кичиқ буюсуви ва кўпайиб келган тукувчи оналар истиқомат қилинаёпти. Улар тайёрлаётган моллар аҳолига манзур бўлаяпти.

Суратда: уста Янгиёв Эрсонев пичоқ ясапти.

«ИССИҚБУЛОҚ»ҚА КЕЛИНГ

Қорақалпоғистоннинг Чимбой тумани ҳудудидан топилган шифобахш сув хўсуқияларини ўргатган Семашко номлидаги илмий тадқиқот институтини ҳодимлари ўндан тери, ошқозон, бугин, жисар касалликларини даволашда фойдаланишни таъмин қилишди.

«Иссенбулоқ» санаторий-профилакторийси қурилади. Утган мўддат ичида бир ерда Қорақалпоғистон, Хоразм, шунингдек, қишини Туркменистоннинг Тошқовуз вилоятидан уч юздан ортиқ киши дарнага шифо толади.

«Қорақалпоқтунув» ушомаси санаторийни кенгайтириш мақсадида яна бир неча юни қуришга киришиди.

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИКА ЭРИШГАН

Учрашувда Президентининг Давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Фуломов иштирок этди.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Қорақалпоғистоннинг Чимбой тумани ҳудудидан топилган шифобахш сув хўсуқияларини ўргатган Семашко номлидаги илмий тадқиқот институтини ҳодимлари ўндан тери, ошқозон, бугин, жисар касалликларини даволашда фойдаланишни таъмин қилишди.

«ИССЕНБУЛОҚ» САНАТОРИЙ-ПРОФИЛАТОРИЙСИ

Қурилишга бир ерда Қорақалпоғистон, Хоразм, шунингдек, қишини Туркменистоннинг Тошқовуз вилоятидан уч юздан ортиқ киши дарнага шифо толади.

«ҚОРАҚАЛПОҚТУНУВ» УШОМАСИ

Санаторийни кенгайтириш мақсадида яна бир неча юни қуришга киришиди.

И. Ш. КАРИМОВ

«Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳасан АБДУЛЖАЛИЛ: «ЎЗБЕКИСТОНГА ИХЛОСИМИЗ БАЛАНД»

Шу йилнинг 8-11 апрель кунлари Индонезия Республикаси Президенти Сухарто расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. УЗА муҳбири сафар оидинан Индонезиянинг мамлакатимиздаги фақуллода ва мухтор элчиси Ҳасан АБДУЛЖАЛИЛга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 1992 йил июнь ойида Индонезияга ташрифи мамлакатимизнинг ўртасидаги ҳамкорликка пойдевор қўйган эди. Бугун яна шу ҳамкорлик қай даражада ривожланмоқда?

— Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Индонезияга расмий ташрифи тарихий воқеа бўлган эди. Чунки ташриф чоғида икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларга асос солинди. Имзоланган ҳужжатлар эса икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилиши, иқтисодий ва техник ҳамкорлик ривожини унун хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан Индонезиянинг Тошкентда очилган элчихонаси ўзаро ҳамкорлик ва ҳар томонлама алоқаларини кенгайтириш йўлида олға босилган қадам бўлди.

Шу йилнинг январь ойида «Гаруда Индонезия» билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид меморандум имзоланган эди. Президент Сухартонинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида эса мамлакатларимиз ўртасида ҳаво йўллари оғичи тўғрисидаги битимга ҳам қўл қўйиш қўзда тутилган. Тошкент — Жакарта авиақат-

нинг ваколатхонасини очишни режалаштирмоқда. Президент Сухартонинг Ўзбекистонга ташрифи давомида унга Индонезиянинг қўлаб-қувватлаймиз ҳамда, қўлимиздан келганича кўмак беришга тайёрмиз. Бундан ташқари, биз Ўзбекистоннинг Халқаро маданият марказини алоқалар миллий ушомаси билан ҳам кенг ҳамкорлик қилиш ниятидамыз.

Кўшилмаслик ҳаракати доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз ўзбекистонлик талабаларини Индонезияда таҳсил олишга тақлиф қилмоқда. Ўзбек спортчилари Индонезияда ўтказилган халқаро музокараларда бир неча марта иштирок этган. Бундан бундан ҳам уларнинг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишлари учун қулай имкониятлар яратилди.

Индонезия раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида унга кўпайиб журналистлар ҳамроҳлик қилдилар. Улар халқимизга Ўзбекистон ҳақида, расмий ташриф натижалари ҳақида хабар қилдилар. Биз Индонезия матбуотида кўпайиб ўрин олганда Ўзбекистон тўғрисидаги материаллар мамлакатимизнинг шўҳратини янада ёйиштиришга умид қиламиз.

— Индонезия Президенти Сухартонинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатлар ривожига қандай аҳамият касб этди?

— Индонезия раҳбари Сухарто 1989 йилда ҳам Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Лекин бу ўлти ташриф бундай бошқача. Ўзбекистоннинг тўла мустақиллиги шартинда юз бермоқда. Мажбур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонаман.

Муҳаммад ШАРИФ,
УЗА муҳбири.

Ўзбекистонга расмий ташриф муносабати билан

ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СУХАРТО

1921 йил 8 июнь куни Кемусуда туғилган (Жокярта вилояти).

Ҳарбий таълимларни қўйидаги ўқув юрларида олган: 1943 йилда Гомбонгдаги ҳарбий билим юрти (Марказий Ява), 1959 йилда Бандунгдаги (Гарбий Ява) олий ҳарбий коллежини тугатилган.

1960 йил — армия штаби бошлиғининг ўринбосари, ўриндошлик бўйича Индонезия армиясининг захиралари биринчи корпуси қўмондони.

1961 йил — Индонезия армиясининг ҳаво ҳужумидан мулофаа кучлари қўмондони.

1962 йил — Фарбий Ирианни озод қилиш учун бўлган урушда иштирок этган қўшинлар гуруҳи қўмондони.

1963 йил — Индонезия армиясининг стратегик кучлари қўмондони.

1966 йил — вазири, Индонезия Куролли Кучлари бош қўмондони.

1966 йил — Халқ ишончи маҳкамаси ҳайъати раиси, мулофаа ва ҳафсалик вазири, вазири — Индонезия Куролли Кучлари бош қўмондони.



1967 йилда муваққат халқ консултиватив ассамблеясининг ақид қарорига биноан олтинчи марта беш йил мўддатта Индонезия республикасининг Президенти этиб сайланган.

1993 йил март ойида Индонезия халқ консултиватив ассамблеясининг ақид қарорига биноан олтинчи марта беш йил мўддатта Индонезия республикасининг Президенти этиб сайланган.

Уйланган, олти фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўбаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 6 апрель куни бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг ҳорийий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 13,02 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 26,10 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 7 апрелдан бошлаб ҳисоб ва боғхона туловлари учун ҳорийий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қиймати белгилади. *)

1 Австралия доллари	19,29	1 Ирландия фунти	42,22
1 Австрия шиллинги	2,68	1 Исландия қронаси	0,42
1 Англия фунт стерлинги	42,91	1 Испания песети	2,08
1 Бельгия франки	9,26	100 Италия лираси	1,53
1 Голландия гульдени	16,99	1 Канада доллари	18,75
1 Греция драхми	1,17	1 Кувайт динори	89,12
1 Дания қронаси	4,82	100 Ливан фунти	1,60
1 АҚШ доллари	26,10	1 Германия маркаси	19,04
1 Миср фунти	7,66	1 Норвегия қронаси	4,24
		10 Португалия эскудоси	1,80

МУБОРАК ҲАЖ ОЛДИДАН

Кеча Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу ҳақда г ап борди

— Мамлакатимиз мустақилликка эришган, унун бўлаётган қадимий кадрларимиз қайта тикланиши билан бир қаторда Ислам дини арқонлари ҳам халқимиз ҳаётида ўз аксини топа бошлади, — деди мажлиси олиб борган республика Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов. — Бугун кишилар ҳалоллик, иймон-эътиқоди ўзларига йўлдош қилиб, янги фуқаролик жамиятини, ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида баҳамжихват иш олиб боришапти.

Йиғилишда бу йилги мўқаддас Ҳаж ибодатига борувчи юртдошларимизни Ҳажнинг қонуни қондалари билан, янги этилиши лозим бўлган қатъий шартлари билан таништириш мақсадида жойларда диний ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари иштирокида тегишли семинарлар ўтказишга келишиб олинди.

Йиғилишда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев иштирок этди.

Ш. КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

1 Сингапур доллари	18,58	1000 Россия рубли	5,30
1000 Туркия лираси	0,62	1 Эстония қронаси	2,38
1 Финляндия маркаси	6,13	1000 Украина карбованеци	0,20
4 Франция франки	5,44	1 Латвия лати	50,98
1 Швейцария франки	3,55	1 Литва лити	6,53
1 ЭКЮ	34,66	1 Қозғистон тенгеси	0,42
1 Япония иенаси	3,03	1 Молдова лейи	5,89
		1000 Беларусь рубли	2,27

Марказий банки 1995 йил 7 апрелдан бошлаб Ўзбекистон республикаси маҳсуе пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қиймати тижорат қийматини белгилади: — сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,10 сўм. — сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,10 сўм.



Ҳорийий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинди. *) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олди.



Индонезия
Республикаси
Президенти
Сухарто жаноби
олийларининг
Ўзбекистон
Республикасига
давлат



ташрифини
(8-10 апрель)
қутлаймиз!



Президент Сухарто ва Президент Ислам Каримовга
иккала мамлакат ўртасидаги дўстликнинг равнақ
шотиши ва қўлаб яшнаши, Осиёда ва бутун
жаҳонда шинълик ва барқарорликнинг
муштаҳкамланиши шарафига бўладман уфашувда
муваффақият ва самара шилаймиз.

ОЙДИНЛАШИБ БОРМОҚДА ОЛАМ

Зейдулла Нурматов узок йиллардан буйи шеър машқ қилади. Унинг қатор эҷоибали шеърлари газет ва журналларда босилиб чиққан, тўпламлардан эҷой олган. Шойр «Олма гули» номли бир нафис шеърда:
Елларга топширган уфорингиздан
Туйиб-туйиб олардим нафас.
Оҳ, олма гуллари, узорингиздан
Емғир томчиларин терар эдим, бас,
— дейди хуҳудис армон билан.

3. Нурматовнинг шеърларида Ватан туйғуси узига хос ташбех ва ўхшатишлар орқали янги-янги рангларда намоён бўлади. Бу ҳоли унинг эҷоибода ҳамини кузатиш мумкин.
— Хали ҳаммаси олдиди, ҳей, ўша юксак чўққиларга бир сакраб чиқиб оламан-да, хуррак оҳу билан манғу дўст тутинман, — дейди шойр. Илоҳим, шундоқ бўсин.
Карим МУСАМУРОД, журналист.

БАҲОР ҚУШИГИ

Баҳор — эрка фасл, уч она-сингил,
Бир-бирдан гўзал, файзли, оромбахш,
Нигоҳларим, улар бағрига сингиб
Кўшиқларин ўрган, бўлиб дўст-сирдош.

Кўксин кўкка тоблаб, энтиқанда март
Апрель эркаланиб сузар унга кўз.
Қизгалдоқ дуррала, юзида йўқ гард
Май келар, хусинин қилганча кўз-кўз!

Баҳор, Сенинг эзгу тилақларингда
Висол, омонлик бор, ишонч, ифтихор.
Илҳом бердинг ва куч билакларимга
Чирой очсин, дея шу озод дийр!

Кўёш, шонша бир пас, қурайлик суҳбат,
Нурлар қиссасини биттайлик бирга.
Севги айёмини сирларга буркаб.
Анғорлар тўқиймиз, кетдик адирга!

Иқбол дафтарига олқинлар битиб,
Эрка-эзгуликка тилайлик оқ йўл!
Олда — ёз келмоқда табассум этиб,
Демак, жозибали кўшиқлар ҳам мўл!

БУ КУНЛАР

Мен толега кўз тутмоқчиман,
Қанотларим бўлур қудратли.
Зиналардан тез ўтмоқчиман, —
Пешона — кенг, тақдир-ҳимматли.

Гудакликдан ҳамроҳ бўлган руҳ —
Йўлларимга нурлар тўшайди.
Бир куш учиб келмоқда-улдур
У куш — ҳумо кушга ўхшайди.

Сабо келди — тоғ даракчиси,
Энди дилда қолмағай гириҳ,
Кураш, енгил — камолот ҳисси —

Виждоним ва илҳомим тирик.

Шу булоқнинг бошида
Севгилимнинг уйи бор,
Шўх сувнинг тиниқлиги
Ўшандандир, эҳтимол.

Сув остиди тошчалар
Унинг тишидай — садаф.
Ёрғинамнинг сочидай
Сунбуллар учар саф-саф.

Бунча чуддирар бу сув,
Дилдор куйлаётими?
Ичиб тўймайман, сулув —
Юзин юваётими?

Тўлқинчалар қатма-қат.
Безовта дил изҳори.
Ортага қайт, сув, ёрга айт,
Мунаввар де дунёни!

ГОҲО

Гоҳо ишлар тугаб, ширин хаёллар —
Қанотиди учиб, олам кезган чоғ,
Қанотларда бўлгач сизга аён гап,
Ўзни қушлардайин енгил сезган чоғ,
Завку севинчаларим тўлиб-тошганда,
Дўстларни эслайман — лаззатли фурсат.
Хаёл етиб борар шунда Тошкентга,
Кўзимга тушади Машраб ва Нусрат!
Кўзимга тушади икки чаманзор
Жимирлаган икки поклик булоғи,
Мағрур қад ростлаган иккита чинор —
Кўшиқ куйлагувчи ҳар бир япроғи.
Салом дўстлар! — дея қиламан хитоб.
Дилимга ҳаётбахш ҳислар соламан.
Қайта туғиламан, мунаввар шу тоб —
Бегубор дунёни топиб оламан...

Зейдулла НУРМАТОВ.
Челак шахри.

Спорт Спорт Спорт

Ўтган ҳафта мамлакатимизнинг бир қатор шахарларида футбол бўйича Ўзбекистон IV миллий чемпионатининг байроқлари таянганлиги равишда кўтарилди. Бу таянчалар ўлкамиз бўйлаб кезаётган Наврўз байрами шодиёналарига уйғунашиб кетди.

Марказий ҳарбий спорт клуби уйингоҳида футбол мавсумининг очилиш тантаналарини Ўзбекистон Куролли кучларининг ансамбли ўзларининг ранг-баранг чиқишлари билан бошлаб берди. Шундан сўнг МХСК жамоасининг президенти А. Туропов мухлислар ва футболчиларни янги мавсум билан табрик-лаб, мамлакат чемпионатини очиб деб эълон қилди. МХСК ва «Атласчи» жамоаларининг сардорлари ҳарбий оркестр ижросидида Ватанимиз мадҳияси остида чемпионат байроғини кўтаришди. Футбол мавсумининг очилиш тантаналарида Ўзбекистон Республикаси мудофая вазири Р. Аҳмедов иштирок этди.

Чемпионатнинг очилиш тантаналарида сўнг майдонга МХСК ва «Атласчи» жамоалари чиқиди. Уйин асосан очик кураш остида ўтди. МХСК жамоасининг кўп хатдан рақибига нисбатан устунлиги, чемпионатга ақши тайёргарлик кўрганлиги уйин давомида яққол сезилиб турди. Айниқса, Нўмон Хасанов ва Ойбек Усмоновнинг майдон бўйлаб алдам-

чи ҳаракатлар билан рақиблари жарима майдончасига ёриб киришлари учрашунинг маамун ва моҳиятини белгилади. Шундай бўлса-да, учрашунинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимининг дастлабки дақиқаларида ноқ ҳужумга эъриберишган ҳарбийчилар тезда мақсадга эришилди. Майдон эгаларининг янги вакили О. Усмоновнинг шиддатли ҳужумларининг иккитасини дарвозага тўп кiritиш билан ақуллади. Шунинг алоҳида таъйидлаш жоизки, гарчи «Атласчи» уйинчилари учрашунинг деярли 30-40 фоз қисмида тўп билан бирга ҳаракат қилган бўлса-да, уларнинг қарши ҳужумлари кескин вазиятларнинг юзага келишига олиб келди. Бу қарши ҳужумларнинг фақат биттаси гол билан ақуллади. Учрашувда МХСК 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Мухлислар, андиликда хорижий мутахассис устозлик қилаётган «Пахтакор» жамоасининг уйинини катта қизиқиш билан кутишган эди. Бироқ, шу кун «Пахтакор» уларнинг ишончини оқламади. Учрашувда «Трактор» жамоаси 1:0 ҳисоби-

да ғалаба қозонди.

Учрашувдан сўнгги матбуот конференциясида «Пахтакор» жамоасининг бош мураббийси Х. Ферел уйинда бир қатор вазиятдаги шогирдларининг ҳаракатларидан қониққанлигини эътироф этди. «Трактор» жамоасининг бош мураббийси В. Лёткин эса, ақинча, шогирдларининг уйиндан тўлиқ қониққанлигини айтди.

Шу кун ўтказилган биринчи турнинг қолган учрашуварларида қуйидаги натижалар қайд қилинди:

«Нуратош» (Бухоро) — «Машъал» (Муборак) — 3:0, «Навбахор» (Наманган) — «Чирчик» (Чирчик) — 2:0, «Политотдел» (Тошкент вил.) — АСК (Термиз) — 2:2, «Нефтчи» (Фарғона) — «Динамо» (Самарқанд) — 4:0, «Темирйўли» (Қўқон) — «Янгиер» (Янгиер) — 2:1, «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Наврўз» (Анджон) — 2:0.

Ҳафтанинг сўнгги кунлари юртимизнинг яна етти шахрида мамлакат чемпионатининг байроқлари кўтарилди. Самарқандда «Динамо» Тошкентнинг «Трактор» жамоасини қабул қилди. Учрашувда майдон эгалари 2:1 ҳисобида ғалаба қозониди.

Иккинчи турнинг қолган учрашуварларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: АСК — «Пахтакор» — 2:3, «Наврўз» — «Политотдел» — 2:0, «Янгиер» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Атласчи» — «Темирйўли» — 2:0, «Чирчик» — МХСК — 0:0, «Машъал» — «Навбахор» — 0:0, «Нефтчи» — «Нуратош» — 4:1.

Навбатдаги тур учрашуварлари 8 апрелда ўтказилади.

ТЕРМИЗ АППОМИШ АВЛОДЛАРИНИ ЧОРПАЙДИ

Бугун Термиз шахрида миллий кураш бўйича Арта срининг буюк олим Ал-Ҳаким Ат-Фармий хотираига бағишланган йирик халқаро турнир бошланади. У юртимиз спорт тарихида иккинчи марта ўтказилади.

Ушбу мусобақа ташкилий қўмита раҳбарлари билан спорт журналистларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон миллий кураш федерацияси президенти Ж. Турсунов мусобақага Эрон, Хитой, Индонезия, Малайзия, Миср ва Марказий Осиё полволлари тақлид этилганини билдирди. Учрашув чоғида турнирга катта тайёргарлик кўрилганлиги, ташкилотчилар томонидан кенг миқёсдаги ҳозирлик ишлари амалга оширилганлиги айтилди. Мусобақа халқаро таълаб-лар даражасида уюштирилди. Жумладан, қатнашчилар ва ҳакамлар учун махсус кийимлар тиктирилган. Турли дастурлар, мусобақани тарғиб этувчи қўланмалар чикарилган. Полволон 60, 66, 73, 81, 90 ва 90 килограмдан юқори вазн тоғфаси бўлиб ҳолилик учун даврга чиқишади. Миллий кураш илосмандлари Урол полволон, Эрали полволон, Баҳодир полволон, Қодир полволон каби элга таникли паҳлавонлар яна даврга кўришади. Қисқача айтганда, Алломчи авлодларининг даврадаги маҳоратларидан бугун Сурхондарё воҳаси кураш мухлисларининг завқ олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

УЧ ЭГИЗАК

Нарпай туманидаги Хў-жакарсон қишлоғида яшовчи (Улугбек номли жамоа ширкат ҳўжалиги) Эрденовлар хонадонидида бир йўла уч фарзанд — эғизаклар дунёга келишди.

Эғизакларнинг онаси — Гулсара Худойрова жамоа-ширкат ҳўжалиги аззоси, отаси — Убайдулла Эрденов эса Каттақўрғон бирлашган касалхонаси тез тиббий ёрдам хизматида шифокордир. Эғизакларга Хасан, Зўхра, Хўсан деб исм қўйилди.

Каттақўрғон шаҳар болалар шифохонасининг бош ҳақимиси Алолат Назарованин таъкидлашчи, она-болаларнинг саломатликлари жуда яхши. Улар атрофида малакали шифокорлар парвона. Эғизаклар ва уларнинг онаси уйларига келишди. Уларни қишлоқдошлар ва эғизакларнинг уч нафар ака-опалари шоду хуррамлик билан қарши олишди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

ТАШКИПОТ ЭНГ АРЗОН БАҲОДА СОТАДИ:

- 1. Газ плитаси тўрт комфор-ли, духовкаси
2. Якка найли газ горелкаси УГОП — НП-9
3. Иситиш қозони АКГВ-23 сув контури билан
Мавоза усулини қўллаш ҳам мумкин.
Хорижда ишлаб чиқарилган банкали пиво ва ичимликларни сотиб оламиз. Воситачилик учун хизмат ҳақи тўланади.
Тел: 78-48-18. Соат 8.00 дан 17.00 гача.
Тел: 74-83-75; 67-55-27. Соат 20.00 дан 22.00 гача.

ТИНЕ'95

БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ
"ТИББИЁТ ВА САЛОМАТЛИК — 95"
1995 йил 10-13 апрель кунлари
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
25 мамлакатдан келган юзта компания ўзининг юқори сифатли дори-дармон маҳсулотлари ва тиббиёт эҷижозларини намойиш этади.
Тиббиёт ходимлари, барча хоҳловчилар ва манфаатдор шахсларни тақлиф қиламиз. Улар шу ернинг ўзида музокаралар олиб боришлари ва шартномалар тузишлари мумкин.
Кўргазманинг расмий очилиш маросимига тақлиф этилганлар учун текин лотерея ютуқлари ўйини ўтказилади.
Кириш текин.
Кўргазма манзили: Тошкент шаҳри, ЭКСПОМАРКАЗ — собиқ ХХЮК.
Ҳар 10 минутга "Ғалаба боғи" бекатидан юрадиган махсус автобус сизни кўргазмага текинга олиб бориб қўяди.
Кўргазма 1995 йил 10 апрель соат 12.00 да очилади.
Кўргазманин иш вақти
10 апрелда соат 14.00 дан 18.00 гача
11-13 апрелда соат 10.00 дан 18.00 гача.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Низоимнинг 34 бандига мувофиқ академиянинг ҳақийқ аъзоллигига ва мухбир аъзоллигига қуйидаги ихтисосликлар бўйича сайлов эълон қилади:

Table with columns: ИХТИСОСЛИКЛАР, БЎШ ҲУРИНЛАР, 1, 2, 3. Lists various scientific fields like Physics, Chemistry, Biology, etc.

Table with columns: ИХТИСОСЛИКЛАР, БЎШ ҲУРИНЛАР, 1, 2, 3. Lists various scientific fields like Archaeology, Ecology, etc.

Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, Унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!
"Тридцать Плюс" кичик капсулеси ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонлар бинонинг сўнгги қаватига югуриб чиқишга қодир бўласиз.
"Тридцать Плюс" нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эччилликини қайтариб, Сизни яшартиради.
Харид қилиш мақсади бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш:
"АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" ФИРМАСИ:
Тошкент, "ЮБИЛЕЙ",
Миноритмас кўчаси, 19-уй.
Телефон: (3712) 32-01-48, 33-45-70
Телефон: (3712) 33-84-71
"Ила-Сана" Фармасияси:
Тошкент, "ЮБИЛЕЙ" кўчаси, 19-уй.
Телефон: (3712) 44-24-34, 40-44-81.
"Фармек" Фармасияси:
Тошкент, "ЮБИЛЕЙ" кўчаси, 19-уй.
Телефон: (3712) 47-98-90.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорбанк» жамоаси Фарғона вилоят Кува бўлими бошқарувчиси
Муқаррамхон ИМИНОВНИНГ
беваф вафот этганини муносабати билан оила аъзоларига чукур таъзия изҳор қилади.
Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси уюшма аъзоси О. Р. Назаровга ақаси
Малик НАЗАРОВНИНГ
вафот этганини муносабати билан чукур таъзия изҳор қилади.
Ўзбекистон Фанлар академияси киём институти жамоаси институтнинг Нефть киёмиси лабораторияси мудир, киём фаолирин номзоди Ҳамидов Босит Набиёвичга отаси
Набиёхўжа РОЗИКҲУҶА ўғлининг
вафоти муносабати билан чукур таъзия билдиради.
"Ўзбекистон темир йўллари" марказий болалар касалхонаси, врач-санитарлик хизмати, марказий стоматология поликлиникаси жамоалари врач-стоматолог М. Қосимовага ақаси
Сандориф КОСИМОВНИНГ
вафот этганини муносабати билан чукур таъзия изҳор қилади.

"ЎЗБЕКМАЗСЕРВИС"
МАЗ автомобиллари оиласига мансуб автомобилларининг барча моделлари, экскаваторлар, комплектлаш учун двигателлар (ЯМЗ-238)
Тошкентдаги омбордан сўмларда пул ўтказиши йўли билан Ўзбек-белорус қўшма корхонаси сотади.
"ЎЗБЕКМАЗСЕРВИС"
Мавоза усули (пахта, пахта маҳсулотлари)га. Шунингдек, сиз биздан МТЗ тракторларини ҳам олишингиз мумкин.
Алоқа учун телефон: 91-68-94.
"Ўзбекмазсервис" — маҳсулот Тошкентдаги омбордан олинади.
Ўзбекистон кон-металлургия саноати ходимлари касба уюшмаси марказий қўмитаси «Ўзметкомбинат» хиссдорлик жамияти жамоасига бош директор
Анатолий АНОХИНИНГ
вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор қилади.
А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати ва касба уюшмаси «Маданий-маърифий ишлар» кафедраси доцент Ибодулла Қўнирвоғга отаси
Ҳайит КўНФИРОВНИНГ
вафот этганини муносабати билан чукур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОВ.
БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ ҳўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сагитовий.
Навбатчи — Ш. Мутаҳархон ўғли.